


Чиройли хулққа илк қадам



16:07 / 05.08.2019 2841

Гўзал тарбия олган фарзандларгина чинакамига «жаннат райҳонлари» деб мақталади. Инсонийликдан чекинган, тарбияси бузуқ болалар эса жамият зараркунандасига айланишади. Шу боис динимиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратади ва бу муҳим масалани жамият олдидаги энг зарур вазифалардан бирига айлантиради. Фарзандга тарбия беришда нималар қилиш, қайси усул ва тажрибалардан фойдаланган маъқул?

Таниқли олим Абдуллоҳ Муҳаммад Абдул Мутиънинг «Ислонда тарбия» китоби бу йўлда муҳим дастур бўлиши мумкин. Қуйида ушбу китобдан айрим маслаҳат ва тажрибаларни сиз ўқувчиларга илиндик.

Тарбия болаликдан бошланади

Инсоннинг жисмоний, руҳий ва ақлий камолотига болаликда пойдевор қўйилади. Яхши, гўзал тарбия олган бола улғайгач, хуш ахлоқли, гўзал одобли инсон бўлиб етишади ва Аллоҳнинг ҳидоят йўлида юриб, икки дунё саодатини қўлга киритади. Тарбияси бўш ёки ёмон тарбия кўрган бола ношукр, ахлоқсиз кимса бўлиб улғаяди ва бундайлардан жамият катта зарар кўради.

Қуръони Каримда бундай марҳамат этилади:

«Биз ҳақиқатан унга тўғри йўлни кўрсатдик - у шукр қилувчи ё ношукр бўлди» (Инсон сураси, 3-оят).

Фарзандларини чинакам иймонли, солиҳ, диёнатли қилиб тарбиялашни истаган ота энг аввало унинг учун иймони бут, солиҳа, диёнатли, инсофли, гўзал ахлоқли она танлаши керак. Бу иш бола тарбиясига қўйилган илк қадамдир. Фарзанд туғилиши билан бу улуғ неъмат учун Аллоҳга кўп мақтов ва шукроналар айтиш, ушбу хурсандчиликни бошқалар билан баҳам кўриш, боланинг қулоғига азон айтиш, унга чиройли исломий исм қўйиш, биринчи кунданоқ уни ҳалол йўл билан ризқлантириш фарзанд тарбиясидаги асосий талаблардандир. Болангизнинг тили чиқиши билан унга «Аллоҳ», «Ла илаҳа иллаллоҳ», «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», «Ассалому алайкум» каби энг муҳим калималарни ўргатиш керак.

Атоқли олимлардан бири фарзанд тарбиясига бағишланган машҳур асарида бундай ёзган эди: «Болага энг аввал ахлоқий қоидаларни ўргатиш зарур. Бунга эътибор берилмаса, ўғил-қизингиз ғазаб, шалоқ сўзларни сўзлаш, лоқайдлик, ўйламай иш қилиш, бағритошлик ва очкўзлик каби ёмон иллатларнинг қурбонига айланади. У улғайгач, бу иллатлардан қутилиши оғир кечади. Чунки ахлоқсизликнинг ушбу кўринишлари унинг табиатига чуқур кириб кетган бўлади. Агар фарзандингиз барча воситаларни ишга солиб иллатлардан халос бўлиб олмаса, бир кун келиб жамиятда шарманда бўлади. Болалигида яхши тарбия олмаган кўплаб одамларнинг улғайганда одобсиз ва ахлоқсиз кимсаларга айланиши кўп кузатилган».

Бола дин, чиройли хулқ ҳақидаги илк маълумотларни уйи ва оиласида олади. Ислом одоб ва ахлоқ қоидаларига риоя этишга буюради ва икки дунё саодатига эришиш учун бунга болалар ҳам, катталар ҳам масъуллигини алоҳида уқтиради. Мавзу янада тушунарли бўлиши учун ахлоқий низом ва исломий одоб қоидаларига яққол мисол сифатида Пайғамбар алайҳиссалом замонларига мурожаат қиламиз.

Сир сақлай олсин!

Собитнинг ривоят қилишича, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу бундай деган: «Бир куни бошқа болалар билан ўйнаб турганимда Аллоҳнинг Расули соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга келдилар ва мени бир юмушга жўнатдилар. Шу туфайли онамнинг олдиларига кеч қайтдим. Уйга келсам, онам: «Нега кеч қолиб кетдинг?» деб сўраб қолдилар. «Аллоҳнинг Расули бир юмушни топширган эдилар», деб жавоб қилдим. Онам: «Нима

юмушлари бор экан?» деб сўрадилар. «Бу – сир», дедим. Шунда онам: «Аллоҳ Расулининг сирларини ҳеч қачон ҳеч кимга айтма!» дедилар. Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳнинг ўша сирларини кимгадир айтмоқчи бўлганимда, сенга айтиб берган бўлардим, эй Собит».

Анасининг айтган сўзларини бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: «Расулуллоҳнинг ўша сирларини кимгадир айтмоқчи бўлганимда, сенга айтиб берган бўлардим, эй Собит». Бу ёш боланинг сўзлари эмас, ёш шогирдига ўзининг болалик хотираларини сўзлаб бераётган кекса шайхнинг гапларидир. Биз Пайғамбар алайҳиссаломнинг улуғ саҳобалари, Басранинг хатиби сўзларини тинглаяпмиз. У бу тарихий воқеанинг тафсилотларини билиб олиш учун устоз атрофида ҳалқа бўлиб ўтирган ёш шогирдларига болалигидаги ўша ҳаяжонли бир тарихни, ҳозиргача ўзини тўлқинлантириб келаётган воқеани сўзлаб бераётир.

Йиллар ўтди ва Анас улғайиб ўсмир бўлди, кейин йигитга айланди, сўнг ўрта ёш, ортидан кексалик ёшига етди. У юз йил умр кўрди ва кўплаб давлатларнинг юзага келиши ва қулашига гувоҳ бўлди. Шуларга қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сирларини ҳануз пинҳона сақлаб келяпти. У узоқ йиллар олдин болалар билан ўйнаб юрганида билган сирни ўшандан буён бирор марта очмади. Ҳатто энг ишончли шогирдига ҳам айтмади.

Ҳалолликни ўргатинг!

Абдуллоҳ ибн Биср розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Онам бир бош узумни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга элтиб беришимни буюрдилар. Мен эса уни йўлда еб қўйдим. Кейинроқ онам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни учратиб қолиб, у зотдан: «Абдуллоҳ сизга бир бош узумни элтиб бердимми?» деб сўраб қолдилар. У зот: «Йўқ», деб жавоб бердилар. Кейинчалик, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон мени учратиб қолсалар: «Хиёнат, хиёнат!» дер эдилар».

Муҳаммад Ҳусайн ушбу ривоятни қуйидагича шарҳлайди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болани айблаш ниятида эмас, шунчаки ҳазил йўли билан унинг эътиборини омонатга хиёнат қилмасликка қаратмоқчи бўлганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу сўзларини икки мартадан такрорлаганлари эса хатога йўл қўйган болани келгусида бундан эҳтиёт бўлишни эслатиш мақсадида бўлган. Бу иш ҳалоллик билан боғлиқ бўлгани учун Пайғамбар алайҳиссалом болани оғринтирмаган ҳолда сўзларни такрорлашдан фойдаланганлар».

